ТАРИХИЙ, ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ ҚИММАТГА ЭГА НОЁБ НАШРЛАР





Дилфуза Боймирзаева,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати етакчи мутахассиси

Аждодларимиз асрлар давомида яратган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш ҳамда уни асраб-авайлаш, нодир қўлёзмалар ва қадимги босма китобларни сақлаш ҳамда тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати ҳам аждодларимиз томонидан ўтмишда яратган ноёб қўлёзма, тошбосма ва нодир китоблар, газета, журнал, альбом ва бошқа ноёб нашрларни аниқлаш, уларни ўз фондига қабул қилиш, асраб-авайлаб мутахассис фойдаланувчилар ва келажак авлодга етказишда самарали фаолият олиб бормоқда.

Ушбу хизмат 1917 йилда ташкил топган бўлиб, унинг фонди 28 мингдан ортиқ ноёб нашрларни ўзида мужассам этган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон давридаги қўлёзма ва тошбосма асарлар, Ғарбий Европада чоп этилган ноёб манбалардан иборат. Улар XIII – XIX асрлардаги шарқ қўлёзмалари, XIX асрлардаги литографиялар, типография нашрлари, ксеронусха, факсимиль, репринт, фотонусха, ташқи безаклари билан диққатни ўзига жалб қилувчи тўпламлар, муаллиф дастхатига эга, экслибрисли, эгалик муҳри мавжуд бўлган манбаалардир.

Неча асрлар оша замонлар залворини аждоддан авлодга етказаётган, инсониятни буюк тамаддунларга етаклаётган ва унинг шоншуҳратини ўзида абадул-абад муҳрлаб келаётган ушбу китобларга нисбатан бугунги кун фойдаланувчиларининг қизиқиши қай даражада? Ушбу савол юзасидан ижтимоий сўровлардан фойдаланиш зарурлигини инобатга олиб, хизматда таҳлилий тадқиқот ўтказилди.

Ушбу тадқиқотдан асосий мақсад фойдаланувчиларнинг қайси нодир адабиётларга эҳтиёжи баландлиги, келажакда уларга ушбу нодир адабиётлардан фойдаланишда қулай шароитлар яратиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини қай йўсинда амалга ошириш зарурлигини намоён этишдир.


Энг аввало фойдаланувчиларнинг (кейинги ўринларда респондентлар деб юритилади) сони, миллати, ёши, лавозими, таҳсил олаётган олий таълим муассасалари, фаолият олиб бораётган ташкилотлари, уларнинг энг кўп ўқиган манбаалари тўғрисида маълумот олиш учун 2012 йилдан 2016 йилгача бўлган буюртма варақаларини таҳлил қиламиз. Бунинг учун респондентлар сонини аниқлаймиз. Унга кўра респондентлар 2012 йилда 110 та (10%), 2013 йилда 141 та (13%), 2014 йилда 267 та (25%), 2015 йилда 292 та (28%), 2016 йилда 239 та (23%) ни ташкил этганлиги аниқланди.

Кузатувлар натижасида кутубхонага ёш фойдаланувчиларнинг ташрифи сезиларли даражада ортганлигини кўриш мумкин (1-диаграмма).

Бугунги кунда мамлакатимизда илмий тад-

1-диаграмма

Қуйида 16-30 ёшгача, 31-50 ёшгача, 50 ёшдан юқори бўлган респондентларнинг ташрифи келтирилган:



	2012	2013	2014	2015	2016	Жами
КИТОБЛАР						
Пя-(XX аср)	229	312	446	731	604	**2322**
Пу-(XIX аср)	149	219	254	381	305	**1308**
Пс-(библиографик қўлланмалар)	41	28	118	131	150	**468**
Пв-(шарқ қўлёзма ва литографиялар)	40	23	24	33	29	**149**
По-(француз революцион даври адабиётлари)				1		**1**
Пи-(XVIII аср)		9	14	14	5	**42**
Пе-(XVII аср)	2		15	9		**26**
О-луғатлар, шарқ филологиясининг революциягача бўлган қисми)		7	6	45	34	**92**
В- (Ўрта Осиёнинг Туркистон ўлкаси шарқшунослиги бўйича рус ва хорижий тиллардаги адабиётлари)		18	100	184	138	**440**
Эр (Эронда чоп этилган адабиётлар)	5	2	1	19	1	**28**
ТС-(Туркистон тўплами-(Дмитровский-Идаров)	72	43	145	140	250	**650**
ЖУРНАЛЛАР (Араб ёзувидаги ўзбек, татар, қозоқ, озарбайжон, тожик тиллардаги журналлар) (1920 йилгача бўлган рус тилидаги илмий журналлар):						
Пяу	65	155	249	245	200	**914**
R		1	1		4	**6**
S			10	25	15	**50**
ДАВРИЙ НАШРЛАР						
Г-(Рус тилидаги газеталар)	106	160	246	365	277	**1154**
Ғ-(араб ёзувидаги ўзбек, татар, қозоқ, озарбайжон, тожик тиллардаги газеталар)	203	138	241	349	345	**1276**
АЛЬБОМЛАР						
Ар, А (қадимий альбомлар)	2	10	31	34	34	**111**
ТА (Туркистон альбоми)	1	28	15	30	6	**80**
Жами	**915**	**1153**	**1916**	**2736**	**2397**	**9117**

Юқоридаги жадвалда фойдаланувчилар томонидан Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга ноёб нашрлар хизмати орқали ўз илмий фаолиятида, асосан, 2012–2017 йиллар давомида қайси манбадан кўпроқ фойдаланилганлигини (вертикал ҳолатда) ва қайси турдаги нодир нашрларга талаб кучайганлигини (горизонтал ҳолатда) ушбу таҳлиллар орқали кузатиш мумкин.

қиқотлар сифати ва амалий аҳамиятини ошириш мақсадида хизмат қилаётган кўплаб мутахассислар фаолият олиб боришмоқда. Жумладан, Республикамизда 76 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, қуйида улардан 50 тасида фаолият юритаётган ва таълим олаётган турли лавозим ва илмий даражадаги ходимлар, талабалар, шунингдек касб-ҳунар коллеж, лицей ўқувчилари ва турли касб вакилларидан иборат респондентлар ташрифи келтирилган (2-диаграмма).


Респондентларнинг ўз тадқиқотлари юзасидан кутубхонамизга қўшни ва хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларидан ташрифи эса нур устига аъло нурдир. Сабаби, ватанимиз бой тарихга эга эканлиги, бу тарихни ўрганиш учун уларнинг ташрифи биз мутахассисларни янада нодир манбааларни асраб-авайлашимизга, уларни келажак авлодга етказишда масъулиятни ҳар дамда ҳис қилишимизга ундайди, албатта. Қуйида уларни келтириб ўтамиз:

Қозоғистон Республикасидан: Р. Б. Сулейменов номидаги шарқшунослик институти, Назарбаев университети, Ал-Форобий номли Қозоғистон Миллий университети, Қозоғистон давлат хотин-қизлар педагогика университети, М.О. Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Х.А.Яссавий номли халқаро қозоқ-турк университети.

Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати 1917 йилда ташкил топган бўлиб, унинг фонди 28 мингдан ортиқ ноёб нашрларни ўзида мужассам этган

Қуйида республикамизнинг 50 та олий таълим муассасалари, шунингдек касб-ҳунар коллеж, лицейларидан респондентлар ташрифи келтирилган:

2-диаграмма



Олиб борилган таҳлилий тадқиқот натижаси шуни кўрсатмоқдаки, фойдаланувчиларнинг нодир манбалардан фойдаланиши йилдан-йилга ортаётганлиги яққол намоён бўлмоқда

Қирғизистон Республикаси: Қирғиз – Россия Славян университети. Тожикистон Республикаси – Хўжанд Давлат университети.

Исроил Давлати – Исроил университети.

Россия Федерацияси – М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, Муқаддас – Филаретов православ-христиан институти (СФИ), Б. Н. Ельцин номидаги Ураль федераль университети (УРФУ), Алтай давлат педагогика университети, Қозон федераль университети.

Украина Халқ Республикаси – Тарас Шевченко номидаги Киев миллий университети.

Грузия Республикаси – Халқаро Қораденгиз университети.

АҚШ – Остиндаги Техас университети, Огайо университети, Шимолий-Ғарбий университети, Канзас университети, Эмори университети, Принстон университети.

Хитой Халқ Республикаси – Нанкин университети, Чуо университети.

Япония – Чубу университети (Chubu University), Хоккайдо университети, Цукуба университети, Токио чет тиллари университети.

Туркия – Анқара университети, Хажиттепа университети, Истамбул университети, Эгей университети.

Бельгия Қироллиги – Лувен католик университети.

Нидерландия – Лайден университети.

Англия – Оксфорд университет коллежи, Манчестер университети ва ҳоказолардир.

Шунингдек, Республикамизнинг ҳамда қўшни мамлакатларнинг кўплаб кутубхона, архив, музей, академия, қўмита, ташкилот ва бошқа муассасаларидан ҳам респондентлар ташриф буюриши кузатилди.

Олиб борилган таҳлилий тадқиқот натижаси шуни кўрсатмоқдаки, фойдаланувчиларнинг нодир манбалардан фойдаланиши йилдан-йилга ортганлиги яққол намоён бўлиб турибди. Бу эса биз каби мутахассисларнинг келгусида ўз фаолиятимиз давомида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда янада янги методлардан фойдаланган ҳолда қулайликлар яратишимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўз фаолиятим давомида тадқиқотчиларнинг мавзулари билан табиийки танишиб бораман. Уларнинг тадқиқот мавзулари шу қадар қизиқарлики, мақолам сўнггида ушбу таклифни беришни жоиз деб билдим. Жумладан, илмий-тадқиқотчилар ўз илмий ишлари ҳақидаги маълумотлари билан фойдаланувчилар, айниқса, соҳа мутахассислари ва мустақил изланувчиларга семинар-тренинглар асосида маълумотлар бериб, келгусида уларнинг ўз тадқиқотларини амалга оширишда ҳамда давлатимиз равнақига улкан ҳисса қўшишларида кўмакдош бўлса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Зеро, ёшларни маънавий соғлом, баркамол авлод этиб вояга етказиш, миллий қадриятларни, бой тарихий меросларимизни уларнинг илмий дунёқарашларига янада чуқурроқ сингдириш ва аждодларимиз илму зиёсидан авлодлар ҳам фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар етарли эканлиги фикримнинг яққол далилидир.

Дилфуза Боймирзаева, ведущий специалист службы рукописей, уникальных и особо ценных изданий Национальной библиотеки Узбекистана

Социологический подход необходим для осмысления реального места библиотеки вообще и каждой библиотеки в частности в постоянно меняющейся социокультурной среде.

В данной статье представлены результаты анализа читательских формуляров различных групп пользователей, про анализированы читательские формуляры в отраслевых образовательных и других учреждениях и зарубежных стран. Цель исследования – анализ читательских интересов в выборе книг, рукописей, периодических и других изданий . ■